

**Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги томонидан
2022 йил якунларига кўра амалга оширилган ишлар ҳамда
2023 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар бўйича
ҲИСОБОТ**

I. 2022-йилда амалга оширилган ишлар:

а) аниқ лойиҳалар доирасида:

✓ геология ва минерал ресурслар соҳасида, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Жиззах вилоятларидаги **60 минг км²** майдонда ўтказилган **космик мониторингнинг** тизимли таҳлили жами **226 та** (*Тошкентда – 63 та, Самарқандда – 110 та, Жиззахда – 20 та, Фарғонада – 33 та*) ер қаъри участкаларидан **ноқонуний** қозиш ҳолатларини аниқлаш имконини берди. Натижада, **86 та** ҳолат бўйича **жиноят** ишлари қўзғатилган ҳамда **49 та** ҳолат бўйича **маъмурий жавобгарлик** чоралари кўрилган.

Шунингдек, **83.2 гектар** ер майдонида **48 та** (*Тошкентда – 19 та, Самарқандда – 6 та, Жиззахда – 16 та, Фарғонада – 33 та*) рухсат этилган чегара бузилиш ҳолатлари аниқланган.

Бундан ташқари, кон чегаралари ҳудудида жами **1739 та** **ноқонуний бино иншоотлар** ҳамда қурилмалар мавжудлиги аниқланиб, мазкур ҳолат бўйича тегишли чоралар кўриш мақсадида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва соҳадаги ваколатли органларга маълумот киритилди;

✓ ер муносабатлари соҳасида, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай ва Тошкент туманларида **ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларини ҳамда ноқонуний бино ва иншоотларни аниқлаш** бўйича ўтказилган космик мониторинг натижасида жами **1673 та** (*Мирзо Улуғбекда – 267 та, Юнусободда – 701 та, Қибрайда – 412 та, Тошкентда – 293 та*) эҳтимоли юқори бўлган ўзбошимчалик билан қурилган бино-иншоотлар аниқланди ва **конуний чора кўриш учун** соҳадаги ваколатли орган ва Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига тақдим этилди;

қишлоқ хўжалиги соҳасида, **Франциянинг Airbus компанияси билан ҳамкорликда, қиймати 1 млн. еврога тенг бўлган “Рақамли Самарқанд”** лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоятининг умумий майдони **2 230 км²** бўлган **Жомбой, Оқдарё ва Пайариқ** туманларининг космик мониторинг натижалари орқали, туманларда экилган **экинлар тўғрисидаги маълумотларни** рақамлаштириш ва уларни бир нечта кўрсаткичлар бўйича таснифлаш имконини берди;

Лойиҳа якуни бўйича қишлоқ хўжалик **экинларини (бугдой ва пахта)** **хариталаш**, экинларнинг **сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш** ва **суғориш** зарур бўлган ҳар бир майдон учун тавсиялар бериш, қишлоқ хўжалиги

майдонларининг **маълумотлар базасини яратиш ва янгилаш** каби мақсадли кўрсаткичларга эришилиши кутилмоқда;

✓ **сув хўжалиги соҳасида, Чимқўрғон ва Жанубий Сурхон** сув омборларида **аэрокосмик мониторинг** ишлари амалга оширилди. **Чимқўрғон** сув омборининг **32.1%** (160 984 290) **лойқа оқизиклар билан тўлганлиги**, яъни умумий сифими **500 млн.м³** га тенг бўлган сув омборининг бугунги кундаги максимал сув сифими **339 млн.м³** (339 015 710) ни ташкил этиши аниқланди.

2022 йил октябрь-ноябрь ойлардаги ўрганишларга кўра **Жанубий Сурхон** сув омборининг **59%** (472 237 980) **лойқа оқизиклар билан тўлганлиги**, яъни умумий сифими **800 млн.м³** га тенг бўлган сув омборининг **бугунги кундаги максимал сув сифими 328 млн.м³** (327 762 020) ни ташкил этиши аниқланди.

Шу билан бирга мазкур сув омборлар акваториясида космик мониторинг ўтказиш натижаларига кўра **Чимқўрғон** сув омборининг сувни муҳофаза қилиш зонасида **1369 та** ва **Жанубий Сурхон** сув омборининг сувни муҳофаза қилиш зонасида **2801 та** бино ва иншоотлар аниқланди;

✓ **экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, Тошкент** вилояти ҳудудида рухсатномага эга бўлган **20 та** мавжуд чиқиндиларни сақлаш жойларидан **10 тасида** чегара бузилиш ҳолатлари ҳамда **331 та** ноқонуний чиқиндихоналар аниқланди. Рухсатномага эга чиқинди полигонларининг умумий майдони

214 гектарга тенглиги, чегаралардан чиқиш ҳолатларининг умумий майдони эса **38 гектарга** тенглиги аниқланди;

✓ **ўрмон хўжалиги соҳасида, Тошкент** вилояти **Бўстонлиқ** туманида жойлашган ўрмон ҳамда захира фондига кирувчи ўрмонлар рақамлаштирилиб, **1960 йилдан 2020 йилга** қадар экилган **дарахтлар**, уларнинг **турлари** ва **майдонлари** таснифланди. Шунингдек, **Тошкент** вилоятининг **15,3 минг км²** га тенг ҳудуд кесимида турли даврийликда космик суратлар олинди ва табиий ўрмонларнинг умумий **154,1 минг гектар** майдони аниқланди ҳамда мазкур маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи **Геоахборот платформасига** юкланди;

✓ **гидрометеорология соҳасида, Юқори аниқликдаги космик суратларни** қайта ишлаш ва сўнги **беш йиллик** маълумотларни таҳлил қилиш натижасида сел-сув тошқинлари ювиб кетиш хавфи ўта юқори бўлган ҳудудларда жойлашган биноларни аниқлаш бўйича **геоахборот мониторинг платформаси фаолияти йўлга қўйилди**;

✓ **сейсмология соҳасида, сув омборлари тўғонларининг** зилзилабардошлигини доимий мониторингини юритиш мақсадида биринчи босқич тарзида **Чимқўрғон** ва **Жанубий Сурхон** сув омборларида **радиолокацион космик мониторинг** тизими жорий этилди ва бунинг натижасида **Чимқўрғон** тўғони бўйлаб ўртача вертикал чўкиш **3.07 мм.ни** ва максимал деформация кўрсаткичлари **-51.02** дан **+38.54 мм.ни** ҳамда **Жанубий Сурхон** тўғони бўйлаб эса ўртача вертикал чўкиш **2.78 мм.ни** ва максимал деформация кўрсаткичлари **-15.46** дан **+32.88 мм.ни** ташкил этиши аниқланди.

✓ Бундан ташқари **Чимқўрғон** сув омборида **одатий усуллар билан 232 та** назорат нуқталар ва **Жанубий Сурхон** сув омборида **186 та** назорат нуқталар бўйича бўйича таҳлил олиб борилган бўлса, эндиликда космик технологиялар орқали ушбу назорат нуқталарига кўшимча равишда тегишинча **Чимқўрғон** тўғони устида **591 та** ва **Жанубий Сурхон** тўғони устида **775 та** ҳамда **Чимқўрғон** сув омбори акваториясида **2824 та** ва **Жанубий Сурхон** сув омборида **6521 та** назорат нуқталарини ташкил қилмоқда.

в) ташкилий ва институционал чоралар доирасида:

✓ Вазирлар Маҳкамасининг **2022 йил 20 майдаги 274-сон қарори** билан “Ўзбеккосмос” агентлиги тизимида **“Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари маркази”** давлат унитар корхонаси ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари этиб космик мониторингини амалга ошириш, ерни масофадан зондлаш, жисмоний ва юридик шахсларга консалтинг хизматларини кўрсатиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш белгиланди;

✓ **Кенг жамоатчилик ўртасида космик технологиялардан фойдаланиш даражасини оммалаштириш** ҳамда бу соҳада ваколатли органларнинг **билим савияларини ошириш** мақсадида:

2022 йил 10-11 май кунлари Тошкент шаҳрида **“Space Technology Conference STC-2022” халқаро конференцияси** ўтказилди ва мазкур конференция кесимида **Туркий давлатлар ташкилоти** доирасида космик агентлик раҳбарлари йиғилиши ўтказилиб, мазкур давлатларнинг космик соҳадаги тажрибаси юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, мазкур халқаро конференцияда **7 та хорижий давлат космик агентликлари** ва тегишли идораларининг **раҳбар** ва мутахассислари, **30 га** яқин вазирлик ва идоралардан раҳбар ва бўлинма бошлиқлари, **30 дан ортиқ** етакчи хорижий космик компания ва ташкилотлардан эса, **100 дан ортиқ** хорижий экспертлар иштирок этишди;

г) халқаро ҳамкорликни ривожлантириш доирасида:

✓ БМТ Бош Ассамблеясининг **2022 йил 12 декабрдаги 77/121-сон қарори 43-банди** билан Ўзбекистон БМТнинг космик ишлар бўйича бошқармасининг **(UNOOSA)** Космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитасига **(COPUOS)** қўшилди.

✓ **2022 йил 1-10 июнь** кунлари Вена шаҳрида бўлиб ўтган **Космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитасининг 65 сессиясида БМТ Бош Ассамблеясининг 2022 йилдаги 77 сессиясида Ўзбекистон Республикасини** Қўмита аъзолигига қабул қилишни тавсия этиш қарори қабул қилинди;

✓ **Осиё ва Тинч океани** учун иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг Ҳукуматлараро маслаҳат қўмитаси Барқарор ривожланиш учун космик технологияларни қўллаш **минтақавий дастурида** Ўзбекистон Республикаси

манфаатларини ифода этиши бўйича “Ўзбеккосмос” агентлигини **ваколатли** орган сифатида белгилаш масаласи **Ташқи ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси** билан келишилди ва Ўзбекистон мазкур минтақавий дастурнинг **35**-аъзо давлати сифатида қабул қилинди;

✓ **Озарбайжон** космик агентлиги билан Англашув меморандуми имзоланди;

✓ **Туркий давлатлар ташкилоти** доирасида **2022 йил 20 декабрда** Боку шаҳрида (**Озарбайжон**) космик агентликлар ва тегишли ташкилотлари раҳбарларининг **1-йиғилишида иштирок** этилди ҳамда ташкилот доирасида **“Космик технологиялар”** янги ҳамкорлик йўналишини ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда;

д) таълим ва илмий салоҳиятни ривожлантириш доирасида:

✓ Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент шаҳридаги Ёджу техник институти, Тошкент шаҳридаги **Турин Политехника** университети, **Тошкент ахборот технологиялари** университети, Ўзбекистон **Миллий** университети ва **“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”** Миллий тадқиқот университети, Тошкент шаҳридаги **Инха** университети билан **ҳамкорлик битимлари имзоланиб, таълим дастурларини “Ўзбеккосмос”** агентлиги билан биргаликда амалга ошириш йўлга қўйилди;

✓ **АҚШ**нинг **Temple ва Webster** университетлари, **Тошкент ахборот технологиялар** университети, **Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия** университетининг ҳамда **Тошкент давлат транспорт** университетининг жами **9** нафар талабаси Агентликда амалиёт ўташи йўлга қўйилди;

Амалиёт даврида талабалар космик технологиялар, космик суратларни қайта ишлаш учун қўлланиладиган маҳсус ERDAS ва ArcGIS каби дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмалари ошириб борилмоқда;

✓ **2022** йилдан бошлаб **Франция Олий аэронавтика ва космонавтика институти** (ISAE-SUPAERO) ва **“Airbus Defence & Space”** компанияси, **Осиё ва Тинч** океанида космик фан ва технология таълими маркази (**CSSTEAP**), **Москва Авиация институти** (МАИ), **АҚШ**нинг **“Maxar Technologies”** (**АҚШ**), **“Planet Labs”** ва **“ESRI”** ҳамда Швециянинг **“Hexagon”** каби ташкилотларининг етук экспертларини жалб қилган ҳолда **космик технологияларни** иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида (қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, ер муносабатлари, геология), мамлакатнинг муҳофаа ва хавфсизлигини таъминлаш ва давлат бошқаруви тизимида амалий қўлланилиши бўйича **тренинглари,** **курслари** ва **семинарлари** ташкил этилди;

✓ **Ўзбекистон Республикаси** Хукумати билан **Қозоғистон Республикаси** Хукумати ўртасида **космик фазони тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик тўғрисида битим** доирасида “Ўзбеккосмос” агентлигининг **8 нафар** мутахассисларининг илмий ва амалий билимларини ошириш мақсадида **Қозоғистоннинг КГС (Қазақстан Ғарыш Санары)** ташкилотига малака оширишга юборилди;

✓ **“Эл-юрт умиди”** жамғармаси ҳамда **“Россотрудничества”** грант маблағлари ҳисобидан талабаларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларига юбориш дастури амалга оширилмоқда (жорий йил бакалавриатга **6 нафар**, магистратурага **1 нафар** ўрин ажратилган (**6 нафари Россия, 1 нафар АҚШда таълим олади**)).

II. 2023-йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар:

1. Мамлакатнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларида, **шаффофлик даражасини ошириш ва қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш** мақсадида геология соҳаси бўйича **13 та**, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича **6 та**, фавқулодда вазиятлар соҳаси бўйича **14 та**, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича **2 та**, ер муносабатлари соҳаси бўйича **6 та**, ўрмон хўжалиги соҳасида **4 та** ҳудудда давлат космик мониторингини ўтказиш.

2. Вазирлик ва идораларни космик суратлар билан таъминлаш даражаси **135 минг км²**га етказиш.

3. **Сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини** мониторингини юритиш мақсадида республиканинг **16 та** сув омборида космик мониторингни ўтказиш.

4. Давлат бошқаруви органларида космик технологияларни қўллаш ва космик суратларни қайта ишлаш йўналишида кадрлар малакасини ошириш бўйича **8** га яқин қисқа муддатли **тренинг ва семинарлар** ташкил этиш.

5. Космик технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларга таъсирига бағишланган халқаро **STC-2023 конференцияси** ҳамда АҚШнинг **NASA** федерал агентлиги билан ёш технократ авлодни космик соҳагадаги билим савияларини текшириш ва қўллаб қувватлашга бағишланган **“SPACE APPS” хакатонини** ташкиллаштириш.

6. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳолатини мониторинг қилиш, шу жумладан **ерлардан ноқонуний фойдаланиш** ва уларни **ўзбошимчалик билан эгаллаш** ҳолатларини аниқлаш ҳамда экинларнинг турлари ва ҳақиқатда экин экилган майдонларни аниқлаш даражаси **80 фоизга** етказилади.

7. **Ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishi** ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида бино ва иншоотлар қурилишини аниқлаш даражаси **80 фоизга** етказилади.

8. **Ноқонуний ўрмон кесилиши ҳолатлари** ва майдонларини аниқлаш даражаси **80 фоизга** етказилади.

9. Ер қаъридан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, **фойдали қазилмалар**

жойлашган майдонлардан асоссиз равишда ва бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш даражаси **85 фоизга** етказилади.

10. Мавжуд чиқиндиларни сақлаш жойларида белгиланган ҳудуддан ташқарига чиқиш, янги пайдо бўлган **ноқонуний чиқинди зоналарини аниқлаш** даражаси **80 фоизга** етказилади.

11. «**SpaceBuzz**» технологик таълим лойиҳаси мисолида **STEM** ва **VR**га асосланган **космик таълим лойиҳасини** амалга ошириш.

12. БМТнинг космик ишлар бўйича бошқармасининг (**UNOOSA**) Космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитаси (**COPUOS**) йиғилишида иштирок этиш ва мамлакат манфаатларини ифода этиш.